

МАВЛОНО ВА ШАМС МУНОСАБАТЛАРИ: “МУРИД” ВА “МУРОД” КАТЕГОРИЯЛАРИНИНГ ГЕРМЕНЕВТИК ТАҲЛИЛИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19446862>

Холмўминов Жаъфар Муҳаммадиевич

фалсафа фанлари доктори (DSc),

ISFT институти “Гуманитар ва табиий фанлар” кафедраси профессори

jafarmuhammad@mail.ru

<https://orcid.org/0009-0009-6853-7019>

Мардонова Мадина Асқар қизи

Тошкент давлат шарқшунослик университети

“Шарқ фалсафаси ва герменевтика” кафедраси таянч докторанти,

mmardonova875@gmail.com

Аннотация

Мавлоно Жалолиддин Румий ва Шамс Табрзий муносабатлари тасаввуфий ва адабий нуқтаи назардан кўриб чиқилганда ўзига хос маънавий структурага эга эканлиги кўринади. Ушбу мақолада ушбу муносабат “мурид ва мурод” категориялари орқали герменевтик талқин қилинди. Герменевтик ёндашув орқали Шамс образи фақат тарихий шахс эмас, балки маъно ҳодисаси сифатида қаралди, Румий ижодида ишқ, фано ва рамзлар тизимидаги кўп қатламли маъно аниқланди.

Мақолада Румий ва Шамс Табрзий ўртасидаги муридлик ва муродлик муносабати масаласи классик ирфоний ва замонавий адабий-герменевтик таҳлил асосида интерпретация қилинган.

Калит сўзлар

герменевтика, герменевтик таҳлил, Тасаввуф, Ирфон, мурид, мурод, категория, ишқ, фано, Румий, Шамс, интерпретация, маъно, маъно ҳодисаси, рамз.

THE RELATIONSHIP BETWEEN MAVLONO AND SHAMS: HERMENEVTIC ANALYSIS OF THE CATEGORIES “MURID” AND “MUROD”

Kholmuminov Jafar Muhammadiyevich,

Doctor of Philosophical sciences (DSc),

Professor of the Department of "Humanities and Natural Sciences"

ISFT Institute (Tashkent)

jafarmuhammad@mail.ru

<https://orcid.org/0009-0009-6853-7019>

Madina Mardonova Asqar qizi,

Tashkent State University of Oriental Studies

Department of Oriental Philosophy and Hermeneutics

2nd year PhD student

mmardonova875@gmail.com

Abstract

If we consider the relationship between Mawlana Jalaluddin Rumi and Shams Tabrizi from the point of view of Sufism and literature, it becomes clear that they have a unique spiritual structure. In this article, this relationship is interpreted hermeneutically through the categories "student and mentor."

With the help of a hermeneutic approach, the image of Shams was considered not only as a historical figure, but also as a semantic phenomenon.

The article interprets the issue of the murid-murad relationship between Rumi and Shams Tabrizi based on classical mystical and modern literary-hermeneutical analysis.

Keywords

hermeneutics, hermeneutical analysis, Sufism, irfan, murid, murad, category, love, fana, Rumi, Shams, interpretation, meaning, phenomenon of meaning, symbol.

ОТНОШЕНИЯ МАВЛОНО И ШАМСА: ГЕРМЕНЕВТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ КАТЕГОРИЙ «МУРИД» И «МУРАД»

Холмуминов Джафар Мухаммадиевич,

доктор философских наук (DSc),

профессор кафедры «Гуманитарных и естественных наук»

Института ISFT (Ташкент)

jafarmuhammad@mail.ru

<https://orcid.org/0009-0009-6853-7019>

Мадина Мардонова Аскар кизи

Ташкентский государственный университет востоковедения

Кафедра восточной философии и герменевтики

Докторант 2-го курса
mmardonova875@gmail.com

Аннотация

Когда отношения между Мавланой Джалалиддином Руми и Шамсом Тебризи рассматриваются с суфийской и литературной точек зрения, становится очевидным, что они имеют уникальную духовную структуру. В данной статье это отношение интерпретируется герменевтически через категории «ученик и наставник».

С помощью герменевтического подхода образ Шамса рассматривался не только как историческая личность, но и как феномен смысла, в творчестве Руми было выявлено многослойное значение в системе любви, фана и символов.

В статье на основе классического мистического и современного литературно-герменевтического анализа интерпретируется вопрос об отношениях мюрида и мурад между Руми и Шамсом Тебризи.

Ключевые слова

герменевтика, герменевтический анализ, суфизм, ирфан, мурид, мурад, категория, любовь, фана, Руми, Шамс, интерпретация, смысл, феномен смысла, символ.

Кириш

Мавлоно Жалолитдин Балхий-Румий (1207-1273) ва Шамс Табарезий муносабатлари масаласи Шарқ ва Ғарб адабиётшунослиги ва тасаввуфшунослигининг муҳим мавзуларидан бири сифатида доимо тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келган. Бу икки буюк шахснинг ўзаро таъсири нафақат шахсий дўстлик, балки маънавий трансформация ҳамда ишқнинг адабий ва рухий функцияси сифатида талқин қилинади.

Румий ижодида Шамс образи – бу тарихий шахснинг тасвири эмас, балки маъно ходисаси, интерпретация маркази ва субъектив трансформациянинг поэтик рамзи сифатида шаклланган феномендир. Бу мақолада биз ушбу феноменни герменевтик нуқтаи назардан таҳлил қиламиз, яъни матннинг маъносини ўқувчи субъекти билан боғлиқликда қайта очамиз.

Мавлоно Жалолитдин Румий ва Шамс Табарезий муносабатлари тарихий нуқтаи назардан оддий устоз – шогирд муносабатлари сифатида қаралиши мумкин. Аммо адабий-ирфоний таҳлил шуни кўрсатадики, бу муносабат анъанавий катордан анча устун, маъно ходисаси даражасида.

Тасаввуфий онтологияда инсон руҳиятининг камолоти, маънавий изланиши ва ҳақиқатни англаши асосий вазифа ҳисобланади. Бу жараёнда мурид ва мурод ўртасидаги муносабат марказий аҳамият касб этади. Мурид – маърифат йўлидаги изловчи, мурод – олий мақсад. Лекин Мавлоно тажрибасида бу категориялар ўзаро аралашади ва қайта интерпретация қилинишини талаб қилади.

Герменевтикада маъно матн билан ўқувчи ўртасидаги динамик алоқада пайдо бўлади (Гадамер, 2006). Шу нуқтаи назардан Шамс Румий учун фақат шахсий учрашув эмас, маънони очувчи “ҳодиса” ҳисобланади. Негаки, у Румийнинг маънавий структурасини қайта қурди. Шиммел таъкидлайди: “Шамс билан учрашув Румий ҳаётида фақат воқеа эмас, маънавий инқилоб эди” (Шиммел, 2004, 58-бет). Шу муносабат Румийнинг ижодий қарашлари, поэтик услуби ва тасаввуфий тушунчаларида асосий трансформацияни амалга оширди.

Мақоланинг мақсади – ушбу муносабатни адабий-герменевтик нуқтаи назардан таҳлил қилиш, Румий матнларида Шамс образи орқали “мурид ва мурод” феноменини ўрганиш ва маънонинг кўп қатламлилигига эътибор қаратиш.

Методология.

Мақола бир неча илмий услуб асосида тайёрланди:

1. Герменевтик айланма таҳлили (hermeneutic circle) – қисм (бўлак) ва бутун ўртасидаги маъно муносабатини ўрганиш. Бу Румий шеърляридаги рамз ва поэтик образлар интерпретациясида қўлланилди.

2. Символик интерпретация – Шамс образи, нур ва олов каби рамзлар маъносини талқин қилиш.

3. Онтологик таҳлил – муридлик, муродлик, ишқ ва фано феноменларининг маъноси ва руҳий аҳамияти.

Асосий манбалар:

Румийнинг “Маснавийи маънавий” ва “Девони Шамси Табрзий” асарлари; замонавий ирфоний-адабий тадқиқотлар: Шиммел (2004), Читтик (1983), Наср (1999).

Методологиянинг асосий мақсади – Шамс Румийнинг маънавий йўлида қандай трансформация таъсири ўтказганини ёритиш ва “мурид ва мурод” муносабатини адабий-герменевтик нуқтаи назардан таҳлил қилишдир.

1. Шамс – маъно ҳодисаси.

Герменевтикада маъно тайёр ҳолда берилмайди; у маъно ҳозирлиги орқали пайдо бўлади. Мавлоно учун Шамс – бу маъно ҳодисаси. У Румийнинг

олдинги билим тизимини қайта қурди, унинг янги маъно уфқларини очиб берди. Шамс кетгач (йўқолгач), Румий чуқур қайғуга ботади ва ўз пиру муршидини “маъно олами” деб атайди:

شمس تبریزی برفت و کو کسی
تا بر آن فخر البشير بگریستی
عالم معنی عروسی یافت زو
لیک بی او این صور بگریستی (دیوان شمس، 28934)

Мазмуни: *Шамс Табризий кетди, башар фахри учун йиғлайдиган одам борми? Маъно олами ундан бир келин топди, лекин энди усиз бу сурат (келин) йиғлади.*

Америкалик машҳур румийшунос олим Уильям Читтик таъкидлайди: “Шамс Румийни маълумотдан маънога олиб ўтди” (Читтик, 1983, 27-бет). Шамснинг муҳим жихати – у Румий онгидаги динамик функция, яъни, маъно марказини силжитиш. Шу нуқтаи назардан, Шамс реал шахсдан маъно марказига айланади.

2. Мурид ва мурод диалектикаси.

Румийнинг шеъриятида *муридлик* ва *муродлик* диалектикаси қуйидагича ифода топган: “Мен сенинг қадамларингни кузатаман, сен эса менинг йўлимда нурсан” (Румий, 2-жилд, 112-бет). Бу иборада Румийнинг субъективлик ва илоҳий маъно билан муносабати очиб берилган.

Анъанавий Тасаввуфда мурид – изловчи, мурод – мақсад. Румий тажрибасида эса бу икки тушунча ўзаро аралашади. Румий Шамсга мурид сифатида боғланади, вақт ўтиши билан Шамс “мурод” – илоҳий ҳақиқат тимсолига айланади (Наср, 1999, 118-бет). Бу ҳолат герменевтик нуқтаи назардан маъно марказининг силжиши сифатида қаралади.

Герменевтик таҳлил шуни кўрсатадики, Румийнинг субъектив “мен”и Шамс таъсири орқали янги маъно ва маънавий барқарорликка эришади. Бу жараёнда муридлик ва муродлик чегаралари аниқланмай, доимий қайта қурилиш жараёнида ривожланади.

3. Шамс образи: рамзий ва маънавий функция.

Малоно матнларида Шамс кўпинча нур, олов, қуёш каби рамзлар орқали тасвирланади. Бу рамзлар фақат эстетик функцияга эга эмас, балки маънавий маънони очиш учун хизмат қилади.

“Сен қуёшсан, мен эса сенинг соянгман” (Румий, 2-жилд, 113-бет).

Бу ибора герменевтик нуқтаи назардан қаралганда, Шамс ҳақиқий шахсдан кўра маъно ҳодисаси сифатида кўриниши мумкин. Яъни, Румий Шамс орқали маънони “ўқийди” ва унинг субъектив руҳий оламини қайта қурган бўлади. Шиммел таъкидлайди: “Шамс Румий шеъриятида космик

символга айланади; у нафақат шахс, балки маъно марказидир” (Шиммел, 2004, 90-бет). Бу нуқтада Шамс образи икки функцияни бажаради:

1. Маълумотдан маънога олиб борувчи агент – Румий Шамс орқали илмий ва диний билимлардан руҳий тажрибани англайди.

2. Интерпретация маркази – Шамс билан учрашув ҳар бир шеърий ва фикрий нуқтани қайта талқин қилиш имконини беради.

4. Ишқ феномени ва герменевтик ўқи.

Румий ижодида ишқ марказий ўрин тутди. Аммо бу ишқ оддий шахсий ҳиссиёт эмас, балки илоҳий ишқ сифатида намоён бўлади. “Ишқсиз ҳар бир сўз ўликдир” (Румий, 3-жилд, 67-бет).

Герменевтик таҳлил шуни кўрсатадики, *ишқ* ходисаси Румий учун маънони англаш ва интерпретация қилиш усулидир. *Ишқ* орқали у дунё ва унинг маъносини қайта “ўқийди”.

Шамс Румий учун фақат муҳаббат субъекти эмас, балки маъно маркази, интерпретациянинг калити ҳисобланади. Бу нуқтаи назардан, ишқ феномени ҳам герменевтик айланмада шаклланади: субъект (Румий) ва объект (Шамс) ўртасида маъно доимий тарзда қайта қурилади.

Румий шеъриятида Шамс образининг маънавий кирралари қуйидаги рамзларда намоён бўлади:

- Нур: маънавий англаш, маънони қабул қилиш ва ёруғлик ифодаси..
- Олов: руҳий трансформация ва фано жараёни рамзи.
- Сув ва ҳаво: ҳаракат, ўзгариш ва субъективликнинг қайта қурилиши.

Бу рамзлар герменевтик айланма орқали қайта интерпретация қилинади, ҳар бир шеърий матн янги маъно олади.

Кўриниб турганидек, Румий шеъриятида Шамс кўпинча нур, олов, сув ва ҳаво каби рамзлар орқали тасвирланади. Бу рамзлар эстетик функциядан кўра кўпроқ маънавий трансформацияни акс эттиради. “Сен нурсан, мен эса сенинг соямман” (Румий, 2-жилд, 113-бет). Бу иборада Шамс нафақат реал шахс, балки маъно ходисаси сифатида кўринади. Герменевтик таҳлил орқали Шамс Румийнинг маънавий йўлини очувчи марказий нуқта эканлиги аниқланади. Шу билан бирга Шамснинг образи метафоралар орқали Румий субъективлигидаги қадамларини ҳам очиқ беради. Масалан: “Шамснинг ҳар бир қадами менинг қалбимда янги олов ёқади” (Румий, 1-жилд, 122-бет). Бу ибора герменевтик айланма асосида талқин қилинганда маъно доимий қайта қурилишини кўрсатади: Румий ҳар бир учрашув ва ҳиссиёт орқали янги маънога эга бўлади.

4. Фано ва бақо: рухий трансформация.

Тасаввуфий онтологияда фано – ўзликни йўқ қилиш, бақо – абадийликка етишиш демақдир. Румий Шамс орқали фано ҳолатига етади ва ўз субъективлигини қайта қуриш жараёнини бошдан кечиради. Бу жараён унинг субъектив рухий оламини қайта қуриш билан боғлиқ. Саид Наср таъкидлайди: “Фано – эски “мен”нинг маъновий инкоридир; бу йўқолиш орқали инсон маънони англайди ва маънавий камолотга етади” (Наср, 1999, 142-бет).

Шамснинг ғойиб бўлиши Мавлоно учун ташқи йўқотиш сифатида кўринса-да, ички жиҳатдан янги маъно ва хузурни яратади. У.Читтик таъкидлайди: “Шамс кетди, аммо унинг руҳи Румийда қолди” (Читтик, 1983, 82-бет). Бу жараёнда Румий субъектив “мен”ини қайта қуриб, янги маънавий ва адабий қирраларни очади. Герменевтик нуқтаи назардан, бу – маънонинг қайта қурилиши ва субъектнинг ички трансформацияси.

Фано жараёнининг қадамлари:

1. Эски “мен”нинг йўқолиши: субъективликдаги барқарор структура бузилади.
2. Маълумотдан маънога ўтиш: Румийнинг илмий ва тасаввуфий билимлари янги маъно билан бойийди.
3. Бақо: маънавий барқарорлик ва илоҳий ҳақиқат билан уйғунлик пайдо бўлади.

Бу жараён герменевтик талқинда Румий шеъриятидаги ҳар бир рамз ва иборанинг қайта ўқирилишига ва янги маъно пайдо бўлишига олиб келади.

5. Муридликдан муродликка: маънавий йўл.

Мавлононинг Шамс билан муносабати – муридликдан муродликка ўтиш жараёни. У аввал Шамсга мурид сифатида боғланади, кейин эса Шамс орқали илоҳий ҳақиқатни топади. Румий Шамсга шогирд бўлишни ўзи учун илҳом манбаи деб билади ва Шамс нури туфайли минглаб одамлар унга шогирд бўлганига ишонади:

دو هزار شیخ جانی به هزار دل مریدند چو خدیو شمس دین را ز دل و جان مریدم
علمی است به دست مستی دو هزار مست با وی به میان شهر گردان که خمار شهریارم (دیوان شمس، 1624)

(3 /

Румийнинг “мен”и ихлос ва иродат “мен”и. Унинг борлиғи, мавжудлиғи ана шу ихлос ва иродат асосида қурилган:

من در عجب افتادم از آن قطب یگانه کز یک نظرش جمله وجودم همه جان کرد (دیوان شمس، 3/ 343).

*Мен ўша ягона қутбдан ажабда қолдим
Унинг бир назари бутун вужудимни жон қилди.*

Бу шундай қудратли иродат ва ихлоски, юзини ундан яширадиган одам, бир нигоҳи билан Румийнинг бутун вужудини жонга табдил этишга кодирдек кўринади.

Маънавий сайру сулук жараёнда Румийнинг субъектив “мен”и эски структурадан чиқиб, янги маъно ва онтологик ҳолатга етади. Шиммел буни шундай талкин қилади: “Шамс Румий учун нафақат устоз, балки маъно марказига олиб борадиган йўлдир” (Шиммел, 2004, 72-бет). Герменевтик таҳлил шуни кўрсатадики, муридлик ва муродлик алоқаси доимий қайта қурилиш жараёнида ривожланади.

6. Ишқ феномени ва маънони англаш.

Румий ижодида ишқ марказий концепт саналади. У фақат шахсий муҳаббат эмас, балки маънони англаш ва интерпретация қилиш воситаси ҳисобланади. “Ишқсиз ҳар бир сўз ўликдир” (Румий, 3-жилд, 67-бет).

Герменевтик нуқтаи назардан, ишқ – субъективлик ва маъно ҳодисаси ўртасидаги алоқа воситаси. Шамс Румий учун фақат муҳаббат субъекти эмас, балки маъно марказига олиб борадиган йўлдир.

Ишқ феномени бир неча даражада амалга ошади:

1. Субъектив трансформация: Румийнинг ички дунёси Шамс таъсирида ўзгариб, янги маъно ва ҳиссиётлар пайдо бўлади.

2. Маънони қайта қуриш: ҳар бир шеърий матн ва рамз янги маъно олади.

3. Илмий ва тасаввуфий интеграция: ишқ орқали Румий инсон руҳияти ва маънавий истиқбол ҳақидаги билимини кенгайтиради.

Мавлоно ижоди ва ирфоний тафаккурини “ишқ” тушунчасидан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди. Бу тушунча унинг дунёқарашида ниҳоятда кенг. У гоҳида инсоний, гоҳида илоҳий маъно ва моҳият касб этади. Гоҳида бу ишқ тушунчаси оддий инсоний ҳиссиёт сифатида жинсият билан боғланса ва икки қарама-қарши жинс ўртасидаги муносабатни ифодаласа, гоҳида маънавий-руҳий ҳодиса сифатида намоён бўлади. Ишқнинг маънавий-руҳий бирлик ва яқинлик ҳодисаси сифатида намоён бўлиши айниқса, унинг ўз муроди – Шамс табрезийга бўлган муносабатида кузатилади.

Румий Шамс фиरोқида қалбининг емирилиши ҳақида гапирди:

من چو جاندارى بدم در خدمت آن پادشاه اینک اکنون در فراقش میکنم جان سایی

در هوای سایه ی عنقای آن خورشید لطف
دل به غربت بر گرفته عادت عنقایی
چون به خوبی و ملاحظت هست تنها در جهان
داد جان را از زمانه شیوه تنهایی (دیوان شمس ، 21/ 2807 -

(19

Мен у шоҳнинг хизматиға жонли эдим
Энди ҳозир фироқида жон бермоқдаман
Ул қуёшсифат анқо сояси ҳавосида
Қалб гурбатга дуч келди анқо одатидан
Чун дунёда малоҳат ва яхшиликда танҳо
Жонин берди замонасига ёлғизлик шевасидан.

Румий баъзида бу фироқ замирида қандайдир бир ҳикмат
яширилганини ҳис қилади.

من درپی ان دلبر عیار برفتم او روی خود ان لحظه ز من باز نهان کرد (دیوان شمس، 643/ 2)

Мен у айёр дилбар ортидан бордим
У ўз юзини шу лаҳза менадан ясаширди.

Шамсинг фироқи узоқ давом этди, аммо Румий уни топишдан
умидсизликка тушмади:

صد هزاران بار بپریدم امید تو مرا باور مکن کز آفتاب
از که از شمس این شما باور کنید صبر دارم من و یا ماهی ز آب (مثنوی، 2 / 1112-1113)

Юзминг бор умидимни уздим мен
Кимдан? Шамсдан, мени ишон.
Сен менга ишонма, қуёшдан
Сабрим бор мени, балиқ сувдан.

Мавлоно турли воситалар ва усуллар билан Шамсни Қунияга қайтара
олди ва висол шодлигидан завқланди. Румийнинг ўзига хос хусусиятларидан
бири шу эдики, у ўз қувончини бошқалар билан баҳам кўриб, бу шодлик
чоғида Шамсни “яхшилар подшоши”, “замон диловари” деб атайдди:

امروز شهر ما را صد رونق است و جان است زیرا که شاه خوبان امروز در میان است

Бугун шаҳримиз тетик, гуллаб-яшнамоқда
Чунки, яхшилар Шоҳи бугун шу ерда.

شهری که در میانش ان صارم زمان است (دیوان شمس، 440 /

حیران چرا نباشد خندان چرا نباشد

. (1 – 2

*Нечун ҳайрон бўлмас, нечун хандон бўлмас
Келмиш ул диловар шаҳарнинг ўртасига.*

7. Ирфоний контекст: нур, олов, шамъ.

Тасаввуфда нур ва олов – фано ва маънавий англаш рамзидир.

Аннемарие Шиммел таъкидлайди: “Шамс Румий шеъриятида космик символга айланади” (Шиммел, Ислом мистицизми, 2004, 90-бет). Бу, аввало, символик функциядир: Румий ўзининг ички маърифат йўлида ана шу рамзлар орқали илҳом топади ва уни поэтик структурада қайта куради.

Мавлононинг шеъриятдаги Шамс тасвирлари нафақат шахсни эмас, балки маъно ҳодисасини ёритади. Мисол учун, Румийнинг куйидаги ибораси: “Шамснинг сўзи менинг қалбимда оловдек ёнади, унинг кўзлари – кайҳоний нур” (Румий, 1-жилд, 122-бет) маъно ҳодисаси юзага келган. Бу ерда Шамс фақатгина инсон эмас, маъно ва маънавий трансформациянинг рамзи сифатида қаралади. Герменевтик таҳлил орқали бу шеърий образ Румийнинг маънавий йўлини тушунишда марказий аҳамиятга эга эканлиги кўринади.

Румийнинг шеъриятдаги рамзлари кўп қатламли, шунинг учун ҳар бир матн герменевтик айланма орқали қайта ўқишлиши лозим. Масалан, суюқлик ва олов метафоралари субъектив трансформацияни ва фано жараёнини ифода этади.

Мавлоно “Шамснинг ҳар бир қадами менинг қалбимда янги олов ёқади” (Румий, 1-жилд, 122-бет), деганида Шамс нафақат шахсий тажриба, балки маъно ҳодисаси сифатида кўринади. Шу билан бирга Шамснинг рамзий кирралари: нур, олов, сув ва ҳаво герменевтик айланма асосида қайта интерпретация қилинади, шу орқали Румий ҳар бир учрашув ва ҳиссиёт орқали янги маънога эга бўлади.

8. Руҳий трансформация ва маънони қайта куриш.

Румий Шамс билан муносабат орқали ўз субъективлигини қайта курди. Бу жараёнда:

1. Муридлик – илк босқич, у ерда Румий изловчи сифатида Шамс таъсирига боғланади.

2. Мурудлик – маънавий мақсад, у ерда Шамс орқали илохий ҳақиқатни топади.

3. Фано ва бақо – эски “мен” йўқолади ва янги маъно ва маънавий барқарорлик пайдо бўлади.

Сайид Наср таъкидлайди: “Фано орқали инсон маънони англайди ва маънавий камолотга етади” (Наср, 1999, 142-бет). Бошқача таъбир билан ифодалаганда, Шамсинг ғойиб бўлиши Румий учун ташқи йўқотиш, лекин ички жихатдан янги маъно ва ҳузур яратади (Читтик, 1983, 82-бет).

9. Герменевтик айланма ва маънони қайта англаш.

Герменевтик айланма назариясига кўра, маъно қисм ва бутун ўртасидаги доимий алоқада пайдо бўлади (Гадамер, 2006). Румий шеъриятида ҳар бир ибора, ҳар бир рамз Шамс Табрзий таъсирида янги маънога эга бўлади. Масалан: “Мен сенинг нурингда йўқоламан ва янги қалб топаман” (Румий, 2-жилд, 137-бет). Бу ерда субъективлик, Шамс таъсири ва ишқ феномени доимий қайта қурилишда. Ҳар бир янги ўқиш матн маъносини ўзгартириб, руҳий трансформацияга олиб келади.

Герменевтик таҳлил орқали бу жараён:

- Маънони қайта ўқиш;
- Рамзлар ва метафоралар орқали субъектив трансформация;
- Шеъриятдаги янги маъно пайдо бўлишига олиб келади.

Шу билан бирга, ҳар бир янги талқин Румийнинг маънавий йўлини чуқурлаштиради ва Шамс орқали интерпретациянинг кўп қатламлилигини очиқ беради.

Хулоса:

Агар Мавлоно Румий ва Шамс Табрзий муносабатларига нафакат шахсий ёки тарихий воқеа сифатида, балки маъно ҳодисаси ва герменевтик жараён сифатида қаралса, унинг чуқур маънавий моҳияти очилади. Бу маънавий моҳият қуйидагича намоён бўлади:

1. Шамс – маъно ҳодисаси: У реал шахсдан кўра Румийнинг маънавий марказига айланади. Ушбу образ Румий ижодида рамзий ва поэтик функцияларни бажаради: нур, олов, ҳаво ва сув метафоралари орқали маънони қайта қуришда муҳим аҳамиятга эга.

2. Муридлик ва муродлик алоқаси: Румий Шамс билан бошида мурид сифатида боғланади, кейин эса Шамс орқали илоҳий ҳақиқатни топиб, муродлик даражасига етади. Бу жараён субъектив “мен”нинг трансформациясини англатади. Бошқа таъбир билан Румийнинг субъективлиги Шамс таъсири орқали трансформациядан ўтади.

3. Ишқ ва интерпретация: Ишқ феномени Румий учун маънони англаш ва интерпретация қилишнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади. Герменевтик айланма орқали ҳар бир шеърини матн ва рамз доимий қайта ўқиш, янги маънога эга бўлади.

4. Фано ва бако: рухий трансформациянинг юзага келиши, эски “мен”нинг йўқолиши ва янги маъно пайдо бўлиши. Яъни, бунда Румий субъектив “мен”ини йўқотади (фано), шу орқали маънавий камолотга етади ва янги маънога эга бўлади (бако). Шамснинг ғойиб бўлиши ташқи йўқотиш сифатида кўринади, аммо ички жиҳатдан янги маъно ва рухий трансформацияни яратади.

5. Герменевтик айланма: Румий шеърини ҳар бир рамз ва ибора доимий қайта ўқиш ва талқин орқали янги маънога эга бўлади.

6. Герменевтик таҳлилнинг аҳамияти: Мурид ва мурод муносабатини интерпретация қилишда, рамзлар ва метафораларни чуқур таҳлил қилишда герменевтика асосий восита ҳисобланади. Румийнинг шеърини ва фикрий тажрибаси шу усул орқали янги маънога эга бўлади.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, Мавлоно ва Шамс муносабатлари фақат тарихий факт эмас, балки маъно ҳодисаси ва адабий феномен сифатида баҳоланиши лозим.

Бу таҳлил Румий ижодини доимий қайта ўқишни талаб қиладиган очик матн сифатида намоён қилади ва Шамс образини маъно ҳодисаси сифатида қарашнинг имкониятини беради.

Шундай қилиб, Мавлоно Жалолоддин Румийнинг “Divan-i Shams-i Tabrizi” ғазалларида Шамс маъно ҳодисаси ва рухий трансформациянинг поэтик маркази сифатида намоён бўлади. У маънавий нур ва ишқнинг воситаси сифатида баён этилади.

Румийнинг субъектив дунёси Шамс билан учрашув орқали қайта қурилади – фано ва маънонинг янги даражасига етказилади. Гўё Румий Шамс орқали нафсдан воз кечиб, илоҳий ишқни англаётган ҳолда ички маънога етади.

Мақолада юритилган фикр-мулоҳазалар ва таҳлиллардан қуйидаги умумий натижалар келиб чиқади:

1. Шамс Табарезий – Румий учун тарихий шахс эмас, балки маъно ҳодисаси ва маънавий трансформациянинг поэтик маркази сифатида қарор топади. У Румийнинг рухий ва адабий йўлини қайта қуришда муҳим роль ўйнаган. Шу нуқтаи назардан, Шамс – маъно ҳодисаси ва адабий феномен сифатида қаралиши керак.

2. Мурид ва мурод муносабати субъектив трансформация, маънавий изланиш ва интерпретация жараёнида марказий аҳамиятга эга.

3. Ишқ феномени Румий шеъриятида маънони англаш ва қайта куришнинг асосий воситаси сифатида хизмат қилади.

4. Фано ва бақо жараёнлари субъектив “мен”нинг қайта курилиши ва маънавий камолотни таъминлайди.

5. Герменевтик айланма методи Румий шеъриятида ҳар бир рамз ва иборанинг кўп қатламли маъносини очишда асосий восита бўлиб хизмат қилади.

Мавлоно Румий ва Шамс Табарезий муносабатлари тарихий ва адабий нуқтаи назардан катта аҳамиятга эга. Ушбу муносабат нафақат шахсий алоқа сифатида, балки маъно ҳодисаси ва маънавий трансформация воситаси сифатида қаралса, унинг чуқур мазмуни очилади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Румий, Жалолiddин. Маснавийи маънавий. – Техрон, 1990.
2. Румий, Жалолiddин. Девони Шамси Табрезий. – Истанбул, 1998.
3. Шиммел, Аннемари. Ислом мистицизми. – Тошкент, 2004.
4. Наср, Сайид Хусейн. Тасаввуф таълимоти. – Лондон, 1999.
5. Читтик, Уильям. Суфий йўллари. – Нью-Йорк, 1983.
6. Гадамер, Ханс-Георг. Ҳақиқат ва метод. – Мюнхен, 2006.
7. مولوى، جلال الدين، ديوان شمس، به تصحيح بديع الزمان فروزانفر، تهران: انتشارات اميركبير، 1386.